XALQ DEPUTATLARI DAVLATOBOD TUMAN KENGASHINING

Q A R O R I

2021 - yil 21 - dekabr VI-16-39-6-219-K/21 Davlatobod tumani hokimligi

Давлатобод туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг “Давлатобод туманида аҳоли сони 8 мингдан кўп бўлган маҳалла фуқаролар йиғинларини бўлиш тўғрисида”ги таклифини муҳокама қилиш тўғрисида

Юртимизда азал-азалдан маҳалла тарбия ўчоғи ҳисобланади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятларимиз, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзини кўз қорачиғидек асраб-авайлашда унинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Мустақиллик йилларида маҳалла институтининг нуфузини ошириш нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий, тарбиявий ва улкан маънавий аҳамиятга эга бўлган устувор вазифа сифатида белгиланиб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда унинг ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилди.

Хусусан, миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий бирликлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида мустаҳкамлаб қўйилди. Юздан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётининг муайян соҳасидаги иштироки ўз аксини топди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида” Низомнинг 8-бандида

“Маҳаллалар ҳудудларининг тарихий хусусиятларини, оидага кўра камида 500 та оила яшайдиган аҳоли пунктларининг географик жойлашишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади” деб белгилаб қўйилган.

Хозирда Наманган шаҳар Давлатобод туманида 26 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, аҳоли сони 8000 ва ундан кўп бўлган “Юксалиш” ва “Янги тонг” маҳалла фуқаролар йиғинларида оилалар сони 1800 - 3900 тани ташкил этади. Улардаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш, фуқаролар бандлигини таъминлаш, кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, қамбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳудудни ободонлаштириш каби долзарб масалаларни ўз вақтида тўлақонли ҳал этиш мақсадида “Юксалиш” ва “Янги тонг” МФЙларини бўлишга эҳтиёж сезилмоқда.

Шунга кўра, Давлатобод туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи М.Игамбердиевнинг хати, маҳалла фуқаролар йиғинларининг илтимоснома хатлари ҳамда маҳаллани бўлиш бўйича таклифларини инобатга олиб, Халқ депутатлари Давлатобод туман Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Давлатобод туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи М.Игамбердиевнинг хати, маҳалла фуқаролар йиғинларининг илтимосномалари ва маҳаллани иккига бўлиш бўйича таклифлари асос учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 8-бандига асосан Давлатобод туманидаги “Юксалиш” ва “Янги тонг” маҳалла фуқаролар йиғинларининг бўлиш бўйича таклифлари маъқулансин.

3. Давлатобод туман маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими (М.Игамбердиев), Қурилиш бўлими (Баходиржон уулу Дастан), Ободонлаштириш бўлими (Д.Вохисов), молия бўлими (Ў.Юнусов) туман статистика бўлими (О.Жаббаров), туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (У.Саттаров), Давлатобод туман ер тузиш ва кучмас мулк кадастр хизмати (М.Исоқжонов)ларга:

бир ой муддатда янги ташкил этиладиган маҳалла фуқаролар йиғинлари

ҳамда чегара ҳудудлари ўзгарган маҳалла фуқаролар йиғинларини меъёрий хужжатларини белгиланган тартибда ўзгартириш киритиш;

фуқаролар йиғинининг таклифи билан биргаликда маҳаллаларнинг чегараларини акс эттирган ва тавсифланган ҳолда маҳаллаларнинг чизмаларини тайёрлаш вазифаси топширилсин.

4. Давлатобод туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (М.Игамбердиев)га:

географик обеъктларнинг номлари тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ янги ташкил этиладиган маҳалларга ном бериш бўйича таклиф тайёрлаш вазифаси топширилсин.

5. Давлатобод тумани ҳокимининг ўринбосарлари (М.Игамбердиев, М.Нематов), қурилиш бўлими (Баходиржон уулу Дастан)ларга бир ой муддатда янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғинларига фаолияти учун белгиланган тартибида жой ажратиш юзасидан таклиф киритиш вазифаси топширилсин.

6. Давлатобод тумани молия бўлими (Ў.Юнусов) янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғинлари штат бирликларини хал этиш бўйича таклиф киритсин.

7. Давлатобод туман Ички ишлар бўлими (У.Бойханов)га туман ҳудудидаги чегара ҳудудлари ўзгарган маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи фуқароларга янги паспорт бериш ва уларни рўйхатга қўйишда янги номлар билан ёзилишини назоратга олиш вазифаси юклатилсин.

8. Халқ депутатлари Давлатобод туман Кенгаши котибияти (Т.Абдуллаев)га мазкур қарорни Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритсин.

9. Давлатобод туман ҳокимлигининг Ахборот хизмати (О.Нарзуллаев) мазкур Кенгаш қарорини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарор ижросини таъминлаш назорат қилиш Давлатобод туман маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими бошлиғи М.Игамбердиев ҳамда Халқ депутатлари Давлатобод туман Кенгаши зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **А.Таджимирзаев**